

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
46. Муминов А., Норов Ш. ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж. АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
48. Мўминова Г.Э. ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
49. Муталлибжонов М.М. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
50. Нафиддинова Х.Р. БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
51. Норматов О. ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
52. Нурматова М.М. ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
53. Пардаев А.А. ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
54. Примова Ф.А. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
55. Расулов А.М. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
56. Расулов Ҳ.М. ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN
SHANXAУ НАМКORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТУРАНИНГ "МУНТАХАБ
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Расулов Ҳаким Маманович,
Термиз давлат университети доценти,
сиёсий фанлар номзоди
rhm1973@mail.ru

ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙЎУНЛИГИ

For citation: Rasulov Khakim Mamanovich. EAST AND WEST: THE HARMONIZATION OF LEGAL CULTURE AND POLITICAL COMPONENTS. Look to the past. 2020, SI, pp.429-436

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-56>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Шарқ ва Ғарб таълимотларида сиёсий ва ҳуқуқий маданият компонентлари уйғунлиги билан боғлиқ масалалар таҳлил қилиниб, унда сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи инсоният ижтимоий билимлари тараққиётининг ажралмас таркибий қисми эканлиги, давлат ва ҳокимият, сиёсат ва ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик, бошқарув ва қонунчилик, ҳақидаги турли ғоялар ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятга хос компонентлар сифатида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Шарқ, Ғарб, таълимот, сиёсий, ҳуқуқий, маданият, компонент, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат ва ҳокимият, сиёсат ва ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик, бошқарув ва қонунчилик, ғоя.

Расулов Ҳаким Маманович,
доцент Термезского государственного университета,
кандидат политических наук
rhm1973@mail.ru

ВОСТОК И ЗАПАД: КОМПОНЕНТЫ ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются вопросы, связанные с гармонизацией политической и

правовой культуры в восточном и западном образовании, где история политических и правовых учений является неотъемлемой частью развития социальных знаний человека, государства и правительства, политики и этики, политики и права, справедливости и равенства, управления и управления. различные представления о законодательстве, праве и политико-правовой культуре.

Ключевые слова: Восток, Запад, доктрина, политическое, правовое, культура, компонент, история политических и правовых учений, правительство и власть, политика и этика, политика и право, справедливость и равенство, управление и право, идеи.

Rasulov Khakim Mamanovich,

Associate professor of the Termez State University,

Candidate of Political sciences

rhm1973@mail.ru

EAST AND WEST: THE HARMONIZATION OF LEGAL CULTURE AND POLITICAL COMPONENTS

ABSTRACT

The article deals with the issues related to the harmonization of political and legal culture in Eastern and Western education, where the history of political and legal doctrines is an integral part of the development of human social knowledge, state and government, politics and ethics, politics and law, justice and equality, governance and governance. various ideas about legislation, law, and political-legal culture.

Index Terms: East, West, doctrine, political, legal, culture, component, history of political and legal doctrines, government and power, politics and ethics, politics and law, justice and equality, governance and law, ideas.

Долзарблиги. Сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи инсоният ижтимоий билимлари тараққиётининг ажралмас таркибий қисмидир. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳокимият, сиёсат ва ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик, бошқарув ва қонунчилик, ҳақидаги турли ғоялар ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятга хос компонентларни ўзида мужассамлаштиради. Бу жараёнлар инсоният сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ва тажрибаси тарихи билангина боғлиқ бўлмасдан, балки ҳозирги замон сиёсий-ҳуқуқий тизимлари учун ҳам мустаҳкам пайдевор вазифасини бажармоқда. Умуман олганда, "инсоният, барча халқлар, миллатлар ва давлатлар муштарак қадриятлар, ахлоқий меъёрлар атрофида бирлашишга, умумийликка интилаётган ҳозирги даврда Шарқ ва Ғарбни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ножоиз"[1:37]. Зеро, уларнинг тарихи, маданияти, қадриятлари, ўзаро уйғунликка эга ва асрлар давомида бир-бирини тўлдириб келган. Шу билан биргаликда Ғарбда ва Шарқ шаклланган таълимотларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Қадимги Юнонистон, Рим, қадимги Шарқ ва Марказий Осиёда шаклланган сиёсий-ҳуқуқий фикрлар тараққиётида ўзига хос уйғунлик ва бирлик мавжуд. Шу сабабли мазкур ҳудудларда шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларнинг негизини ахлоқ ва сиёсат, ахлоқ ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик масалалари муносабати ҳақидаги баҳс-мунозаралар ташкил этган. Ахлоқ ва сиёсат масалалари қадимга Юнонистондаги сиёсий ўзаришлар, диний анъаналар, ахлоқий урф-одатлар билан

боғлиқ муносабатлар асосида, Марказий Осиёдаги сиёсий-ҳуқуқий қарашлар, бир томондан, Қадимги Юнонистон ва Рим сиёсий-ҳуқуқий анъаналари таъсирида, иккинчи томондан, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва диний анъаналар билан боғлиқ ҳолда шаклланган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада муаммо умум эътироф этилган тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, илмийлик ва холислик тамойиллари асосида сиёсий-ҳуқуқий аспектда ўрганилган. Унда турли даврларда Шарқ ва Ғарб таълимотларида шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий маданият компонентлари шаклланиши ва ўзаро таъсири қиёсий таҳлил этилган.

Ғарб ўзининг Уйғониш даврида Шарқда эришилган илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланди. Аслида Шарқнинг Ғарбга таъсири масаласи неча асрлардан буён тараққийпарвар зиёлилар томонидан мушоҳада этиб келинади. Таниқли олима Ф.Сулаймонованинг барча нурлар Шарқдан таралишини ифодаловчи "Шарқ ва Ғарб"[2] номли монографиясида таҳлил этилганидек, "Ипак йўли" фақат Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар воситаси эмас, айнаи чоғда Европани маънавий уйғотган ҳаётбахш йўл ҳам бўлган. Яъни "Марказий Осиёда, хусусан Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Кеш, Термиз каби шаҳарларда ойлаб, йиллаб истиқомат қилган, ажнабий савдогарлар халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва маънавиятга хос қирраларини ўрганиб, маъқул бўлганларини ўз юртларига бориб тарғибот қилишга ҳаракат қилганлар" [3:22].

3. Тадқиқот натижалари:

Шарқнинг энг қадимги илм-фан ва маданият юксалган ҳудуди бўлган қадимги хитой хусусан Конфуций сиёсий фалсафасида давлат ва жамиятни бошқаришдаги асосий бахсли масала сифатида ахлоқ ва тарбия, ҳуқуқ ва қонун муносабатига эътибор қаратилган. Қадимги шарқ металитетига хос тарбия борасида ўсмирларга ўзини босишни, қарияларга сабрли бўлишни, қашшоқларга қаноат қилишни, бойларга зийнатли бўлишни ўргатади 1:17 .

Шарқ мутафаккирларининг таълимотларида фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий қарашлар ўзаро уйғунликда келади. Шу нуқтаи назардан таъкидлаш жоиски, "қадимги шарқда ҳуқуққа ёндошиш хоҳ у легистик, у табиий-фалсафий йўналишда бўлсин, уларнинг бошланғич нуқтасини дастлаб, асосан, диний-мифологик дунёқараш ва сўнгра содда дунёвий қарашлар ташкил этган. Қадимги шарқ мамлакатларида амалиётда расмий ҳуқуқ ва қонун дин, диний ахлоқ билан узвий боғлиқ ҳолда, унинг воситасида асослаб берилган" 4:74-75 .

Ахлоқ ва сиёсат, ахлоқ ва ҳуқуқ муносабатлари ҳақидаги баҳс-мунозаралар қадимги юнонистонда софистлардан бошланган. Софистлар дунёқарашда ахлоқ ва ҳуқуқ масалалари турли шахсий ва ижтимоий масалаларга боғлиқ ҳолда изоҳланган. Софистлар сиёсий-ҳуқуқий қарашлари юнон полислари ва унинг сиёсий институтлари фаолияти билан узвий боғлиқ бўлган. Юнон полислари аҳолисининг сонига ва ҳудудининг ҳажмига кўра унчалик катта бўлмаган жамиятларга бўлинган. Юнон полисларидаги ўзига хос сиёсий муносабатлар ва хусусиятлар Афина бевосита демократиясининг шаклланишига шарт-шароит яратиб берди. Афина фуқароларининг 300 минг нафаридан 40 мингга яқини шаҳар йиғинида (юнонча - ekklesie) қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган. Уларнинг 15-20 фоизи ҳар хил қўмиталар ва кенгашларда фаолият юритганлиги қайд қилинган 5:61 . Бу омиллар афиналиклар давлат ва жамият сиёсий фаолиятида фаол иштирок этганлигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражаси қанчалик юқори бўлганлигини исботлайди.

Барча эркин афиналик фуқаролар (фақат эркак фуқаролар) давлат ва жамиятни бошқаришда қатнашиши учун етарли даражада сиёсий ва ҳуқуқий билимга, тайёргарликка эга бўлиши ҳам лозим бўлган. Афина жамиятида эркин фуқароларни маърифатли қилиш функциясини эса айнан софистлар бажарган. Софистлар эркин афиналикларнинг сиёсий фаолиятда қатнашиши учун зарур бўлган далиллаш-асослаш санъати, риторика, фуқаролик ҳуқуқи, инсон табиатини тушуниш каби билимлар бўйича таълим беришган. Улар асосан меҳнатига ҳақ тўлаш имкониятига эга фуқаролар ўртасида билим ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятни оммалаштирган.

Афинадаги бундай сиёсий ва ҳуқуқий тизим, бир томондан, умумий сиёсий-ҳуқуқий таълимнинг анча юксак даражада бўлганлигини, иккинчи томондан, ҳозирги замон давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари Афина бевосита демократияси асосида шаклланишини кўрсатади.

Сиёсий-ҳуқуқий маданият компонентлари Платон ва Аристотель сиёсий-ҳуқуқий таълимларида асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, Платон сиёсий-ҳуқуқий билимларни жамиятни оқилона ўрганиш ва бошқариш омили деб ҳисоблаган бўлса, Аристотель эса жамиятни эркин, маънавий жиҳатдан тенг ҳуқуқли аъзоларнинг ўзаро боғланиши деб қараб, унинг қонунга мувофиқ бошқарилиши лозимлигини таъкидлаган. Платон ва Аристотель сиёсий-ҳуқуқий дунёқарашида сиёсат ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик тушунчаларига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, адолат амалдаги қонунлар ва анъанавий қарашлар тизимини ҳам қамраб олади. Шу асосда улар жамиятни бошқариш фақат ҳокимиятга эмас, балки эркин мунозарага ҳам асосланиши лозимлигига эътиборни қаратиб, давлат ва жамият сиёсий-ҳуқуқий тизимида амал қиладиган жараёнларни назарий асослашган. Мутафаккирлар ҳуқуқий қарор ҳамда ижтимоий-сиёсий билимларга таянган ҳолда қонунлар назарда тутилганидек ишлаётган ёки ишламаётганлигини аниқлашга ҳаракат қилишади.

Аристотель сиёсат ва ахлоқни ўзаро ҳаракатдаги таъсир қилиш усули сифатида талқин қилган. Шу жиҳатдан Аристотелнинг сиёсий таълимоти Макиавеллининг реал сиёсат ёки О. Контнинг эмпирик социологиясидан фарқ қилади. Аристотель нуқтаи назарига кўра, сиёсат таълимот сифатида энг аввало қуйидагиларни ўзи ичига олади: 1) турли полислар (шаҳар-давлат) ҳақида ахборот тўплаш ва уларнинг сиёсий тизимларини таснифлаш; 2) фуқаролар учун энг яхши ҳаётни таъминловчи (адолат ҳақидаги таълимот) яшаш қоиди ва усулларини аниқлаш. Аристотель полисда сиёсий барқарорликнинг муҳимлигини қайд этади: "Халқнинг фикрини эътиборга олиш керак, акс ҳолда давлатда беқарорлик юз беради. Давлат қонун асосида бошқарилиши керак, акс ҳолда у хавфли бўлади, бундай давлатда коррупция ва ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги кучаяди. Шундай қилиб, давлат қонун асосида бошқарилиши ва одамларга ўз фикрини ифодалаш имконини бериши керак" 5:139-140 .

Платон фикрича, полис 1) ҳукмдорларнинг (давлат ҳокимиятининг) ваколатлилиги; 2) фуқароларнинг жамиятга содиқлиги; 3) мамлакат ҳудуди ва аҳоли сони мутаносиблиги; 4) муҳофаза тизимининг таъминланганлик даражаси каби омиллар асосида барқарор бўлади 5:120 .

Рим сиёсий лидерлари: император Марк Аврелий, сенатор Сенека ёки турли масъул лавозимларда фаолият кўрсатган Цицеронлар сиёсий-ҳуқуқий билимлари ва қарашлари туфайли қадимги Рим сиёсий-ҳуқуқий тизими Европа сиёсий-ҳуқуқий тизимининг ўзига хос намунаси сифатида яшаб қолди. Цицероннинг

давлат ва ҳуқуқ муаммоларига бағишланган "Қонунлар тўғрисида", "Мажбуриятлар тўғрисида", "Давлат тўғрисида" ва бошқа асарлари давлат ва жамиятни бошқаришда амал қиладиган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тараққиётига катта таъсир кўрсатган. У "ўз талаблари орқали бурчни бажаришга чақиради ва ўз тақиқлари ёрдамида нотўғри ҳаракатларнинг олдини олади.

□ Қонунга бўйсунмаган одам ўзидан ўзи қочади ва ўзининг инсоний табиатини инкор қилади ва алалхусус, энг қаттиқ жазога мустаҳиқ ҳисобланади, ҳаттоки, у одатда жазо сифатида кўзда тутилган ҳукмдан қочиб юрган тақдирда ҳам" 5:157 .

Академик М.Шарифхўжаев "Арасту давлат - бу фуқароларнинг , фуқаролик жамиятининг уюшмасидан бўлак нарса эмас, деб таъкидлаган эди" [6]. Т.Дўстжонов ва С. Ҳасанов лар эса "Қадимги дунё мутафаккирлари Сукрот, Демократ, Афлатун, Полибий, Цицерон ҳуқуқий давлат хусусиятлари ва назарий асосларини биринчи бўлиб, очиб беришга уринишган. Бинобарин, ҳуқуқий тан олинадиган ва айни пайтда чекланган давлат ҳокимияти, қадимги мутафаккирлар фикрича, адолатли давлат ҳисобланади.... Хуллас қадимги Юнон ва Рим мутафаккирларининг ғоялари улардан кейинги тараққийпарвар сиёсий-ҳуқуқий таълимотларнинг юзага келиши ва ривож топишига сезиларли таъсир кўрсатади" [7:8] деган хулосани қилиш мумкин.

Шарқ мутафаккирлари давлатни халқ манфаатларини ҳимоя қилувчи восита, давлат раҳбарларини эса халқнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга масъул, деган ғояни илгари сурганлар. Шу боис Абу Наср ал-Фаробий фозил шаҳар ҳокимлигига номзод олдиға ўзига хос талабларни қўйган: Унга кўра, фозил шаҳар ҳокимлигига номзод 1) соғлиқ, 2) фаросатлилиқ, 3) кучли хотира, 4) зукколик, 5) нотиклик, 6) маърифатлилиқ, 7) қаноатлилиқ, 8) ҳақиқатгўйлик, 9) олижаноблик, 10) молпараст бўлмаслик (мулкка хирс қўймаслик), 11) адолатпарварлик, 12) мардлик каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозим. Фаробий шаҳар-давлат ҳокими фаолиятида яна 1) донишмандлик, 2) қувваи ҳофиза (кучли хотира ва тафаккур)га, 3) ижод ва ихтиро қувватига, 4) башоратгўйлик, 5) нотиклик, 6) етарли жисмоний қувватга эга бўлиш ва ҳарбий санъатни яхши билиш каби ҳислатлар мавжуд бўлиши лозимлигини таъкидлайди 8: 159-160 . Лекин мазкур ҳислатлар айнан бир кишида мужассамлашиши қийин. Шунинг учун қўпчиликнинг бошқарувини ташкил этиш лозимлигига эътибор қаратади. Мутафаккирнинг бу фикрлари ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Фаробий дунёқарашига кўра, бошқарув санъати назарий ва амалий қисмлардан иборат. Назарий қисм - бошқарувнинг асосий усул ва қонунлари тўғрисидаги билимлар бўлса, амалий қисми давлатни идора қилишдир. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам сиёсий амалиёт, тажриба ва кузатув натижасида эришилади.

Фаробий қарашларига кўра, раҳбар ўзига хос муаллим бўлиб, у ўз ўқувчилари (жамият ёки жамоа аъзолари)нинг билим олиш ва бахт-саодатга эришиш йўлларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Фаробий таълимотидаги бахт-саодатга эришиш муаммоси давлат ва жамиятнинг пировард мақсади бўлиб, у ижтимоий-сиёсий ҳаётда амал қиладиган муайян сиёсий ва ҳуқуқий маданият билан узвий боғлиқдир. Олимнинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Зеро раҳбар кадрнинг маънавий дунёси, ҳаётий тамойиллари жамият бошқарувида ўзига хос сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Низомулмулкнинг "Сияр ул-мулк", яъни "Сиёсатнома" асари ўрта аср Шарқ ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида асосий манбалардан биридир. Сиёсатшунос

олимлар томонидан бу асар салжуқийлар давлатининг сиёсий дастури сифатида эътироф этилган. Асарда давлатни бошқариш қоидалари, тартиби ва усуллари баён қилиниб, давлат ва жамият тинчлик ва адолатда барқарор бўлиши, яшаши лозимлиги таъкидланади. Шунингдек, амалдорлар (сиёсий етакчилар)ни тарбиялаш давлат ва жамиятни бошқаришда энг асосий омил сифатида қаралади. Низомулмулк давлат ва жамиятни бошқаришда маслаҳат, машварат ва кенгашсиз амалга оширилган ишлар заифликдан далолат беради, деб ҳисоблайди 9:98 . Асарнинг асосий ғоялари шоҳ ва ҳокимларни инсофга, тинчлик ва мурувватга, давлат ва жамиятни бошқаришда қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, турли лавозимдаги амалдорларни ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги, тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга даъват этади.

Демак, Низомилмулк сиёсий-ҳуқуқий қарашларига кўра биринчидан, бошқарувда теократик ёндошувга, иккинчидан, бошқарувда консенсусга амалга қилишга, учинчидан, ҳар кимга иқтидорига яраша вазибаларнинг тақсимланишига эътибор қаратган. Давлатнинг мавжудлигига ва унинг идора этилишига ижтимоий зарурият сифатида қаралган.

Ўрта аср Шарқ алломаларидан бири Хожа Самандар Термизий ўзининг "Дастур ул-мулк" асарида давлат бошқаруви учун зарур бўлган адолат, фуқароларнинг подшо (сиёсий етакчи)га ишончи, етакчилик салоҳияти, ақли ва қобилияти, сиёсий етакчини тарбиялаш, мамлакат аҳволи, халқ фаровонлиги ва тинчлиги каби ҳислатларни Қуръон оятлари, пайғамбар ҳадислари, турли ривоят ва ҳикматлар асосида ифодалайди. Давлатни сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатлардан фарқ қиладиган икки тоифадаги кишилар бошқариши мумкинлиги тўғрисидаги ғоя ҳаётда исботланганлигини таъкидлайди. "Биринчи тоифа - билимдон, ақли зийрак, сўзга уста, ширинзабон бўлади... Иккинчиси кучсиз, ақли заиф одам бўлиб, мухолифнинг қийноқларига одатланиб, забунлик (тили қисқлик) юкини зиммасига олади..., яъни малъунлик, хорлик қалқонини юзига парда қилиб олади", деб ёзади олим 10:76 .

Термизийнинг таъкидлашича, подшоҳнинг мақтовга сазовор бўлган энг муҳим хусусияти унинг адолатлилигидир. Подшоҳнинг адолатсизлиги зўравонликка, мамлакат инқирозига олиб келади. Подшоҳнинг ўзи адолат тамойилига амал қилиши, барча мансабдорлардан ҳам шуни талаб қилмоғи лозим. Шунингдек, бошқарувда қатъий тартиб, қонун ўрнатиш орқали адолатни таъминлаш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш мумкинлигини эътироф этади 10:62-63 .

Ислом олами, хусусан, Марказий Осиёда давлат ва жамиятни бошқаришда давлат ва ҳокимият, сиёсат ва ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ, адолат ва тенглик, бошқарув ва қонунчилик, инсонпарварлик каби сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар ва инсоний муносабатлар Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф каби диний манбаларга таянилиб иҳоҳланган. Низомулмулкнинг "Сияр ул-мулк", Бурҳониддин Марғинонийнинг "Ал-ҳидоя", Амир Темурнинг "Темур тузуклари", Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулк" сингари асарлари ислом таълимотида баён этилган адолат, тенглик, тинчлик, инсонийлик ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари, инсоннинг давлат ва жамиятдаги ўрни билан боғлиқ қарашлар ва уларни амалга ошириш борасида олиб борилган ишлар ифодаси аниқ бир фаолият доирасида шарҳлаб ва изоҳлаб берилган.

4. Хулосалар:

Қадимги Юнон, Рим ва ўрта аср Марказий Осиё мутафаккирларининг давлат ва жамиятни бошқариш ҳақидаги сиёсий ва ҳуқуқий қарашларидан келиб

чиқадиган қуйидаги хулосаларни таъкидлаш лозим:

Биринчидан, Марк Аврелий, Сенека, Цицерон сиёсий-ҳуқуқий қарашларида инсоний бурч, қонунга бўйсунуш, жамият олдидаги масъулият каби жиҳатлар давлат ва жамият бошқарувида амал қиладиган сиёсий ва ҳуқуқий маданият компонентлари сифатида ўз аксини топган.

Иккинчидан, Сукрот, Платон, Аристотель сиёсий-ҳуқуқий қарашларида жамиятни оқилона ўрганиш, эркин, маънавий жиҳатдан тенг ҳуқуқли аъзоларнинг бирлиги, қонунга мувофиқлик каби тамойиллар ифодаланган.

Учинчидан, Форобий, Ибн Сино, Беруний жамиятни бошқариш тўғрисидаги қарашларида мамлакат, фуқаролар раънақи, бахт-саодатга эришишининг асосий воситаси илм-фан ва таълим тарбиядир. Жумладан, Форобий фикрича, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятнинг негизини илм-фан ва таълим тарбия ташкил этади. Ҳақиқий бахт-саодатга сиёсий билимларни эгаллаш, сиёсий тафаккур, сиёсий саводхонлик ва сиёсий онглилик орқали эришилади.

Тўртинчидан, Қадимги Юнон, Рим ва Марказий Осиё мутафаккирлари сиёсий-ҳуқуқий қарашларида давлат ва жамиятни бошқаришда сиёсий раҳбар иқтидори, салоҳияти, сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси ва маданиятининг даражасига алоҳида эътибор қаратилган.

Сиёсий-ҳуқуқий қарашларда инсон - жамият - давлат тизимидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий муносабатларнинг бирлиги намоён бўлади. Сиёсий-ҳуқуқий меъёрлар барча фуқаролар учун ягона бўлган қонун-қоидаларга асосланган муносабатлар тизимини қарор топтириб, давлат ҳокимиятининг бир бутунлигининг таъминланишига хизмат қилади. Бундай сиёсий-ҳуқуқий тизимсиз жамият барқарорлиги ва тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу маънода сиёсий-ҳуқуқий таълимотларни соф ҳуқуқий ёки соф сиёсий таълимот сифатида қараш мумкин эмас. Зеро улар негизда инсон - жамият - давлат муносабатлари ва давлат ҳокимиятининг бир бутунлиги, тараққиётнинг барқарорлиги, ижтимоий адолатнинг қарор топиши, фикрлар ва қарашларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ турли ёндошувлар, илмий-назарий концепциялар ётади.

Қадимги Юнон ва Рим, Қадимги Шарқ ва ўрта аср Марказий Осиё халқлари ҳаётида сиёсий-ҳуқуқий тизимга хос сиёсий ва ҳуқуқий маданият компонентлари ўз ифодасини топган. Америкалик сиёсатшунос С.Хантингтон таъкидлаганидек, "Янги демократик жамиятлар бир-бирининг ҳамда анча аввал пайдо бўлган демократик жамиятларнинг тажрибасидан фойдаланишлари лозим" 11:92 . Шу нуқтаи назардан Шарқ ва Ғарб мамлакатларида шаклланган сиёсий-ҳуқуқий таълимотлардан ҳар бир мамлакат ўз миллий манфаатлари доирасида ўринли ва унумли фойдаланиш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ғарб давлатларида бўладими ёки Шарқ давлатларида бўладими, жамият сиёсий тизимида хос "инсон ҳуқуқлари", "эркинлик", "фуқаролик", "халқ суверенитети", "миллий суверенитет", "миллий давлат" каби тамойиллари борки, улар жамиятни ташкил этувчи сиёсий-ҳуқуқий тизим барқарорлигининг иродаси ҳамда манфаатлари, эҳтиёжларини рўёбга чиқишида жуда катта аҳамият касб этиб қолаверади.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. -Т.:

O'zbekiston, 2007. 17-бет. (Musaev F. Philosophical and legal bases of building a democratic state. -Т.: Uzbekistan, 2007.-pp 17.)

[2] СулаймоноваФ. ШарқваҒарб. -Тошкент: Ған, 1994, 1998. (Sulaymonova F. East and West. -Tashkent: Science, 1994, 1998)

[3]СулаймоноваФ.Инсонборлиқнинггултожи, шарафи // Соғломавлодучун. 1998. №10-11, 22-бет. (Sulaymonova F. The honor of human existence // For a healthy generation. 1998. No. 10-11, pp. 22.)

[4] Рустамбоев М.Ғ., Абдуҳолиқов С.О. Ғуқуқ методологияси ҳуқуқий фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. 1-китоб.-Т.: 2005, 74-75-бет. (Rustamboev M.H, Abduholikov S.O. The methodology of law research on legal philosophical understanding. Book 1.-Т.: 2005, pp. 74-75.)

[5] Гуннер Скирбекк, Нилс Гильс. Фалсафа тарихи. - Т.: Шарқ, 2002, 718-бет. (Gunner Skirbekk, Nils Gils. History of Philosophy. - Т.: East, 2002, pp. 718)

[6] Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. -Т.: Шарқ, 2003, 9-бет. (Sharifhodjaev M. Formation of an open civil society in Uzbekistan. Т.: Sharq, 2003, pp 9.)

[7] Дўстжонов Т., Ғасанов С. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлида. Т.: "Шарқ", 8-бет. (Dostjonov T., Hasanov S. Uzbekistan on the path of democratic development. Т: "East," pp 8.)

[8] Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 159-160-бетлар. (Abu Nasr of Farabi The city of the villains. -Т.: Abdulla Kadiri Publishing House, 1993, pp. 159-160.)

[9] Низомулмулк. Сияр ул-мулк Т.: "Адолат", 1997, 98-бет. (Nizomulmulk. Siyar ul-muluk . -Т.: Adolat, 1997, pp. 98)

[10] Термизий Хожа Самандар. Дастур ул-мулк. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1997, 272-бет. (Hodja Samandar of Termez. The program is multitasking. Т.: Literature and Art, 1997, pp. 272.)

[11] Хантингтон С.Ф. Будущее демократического процесса: от экспансии к консолидации // МЭ и МО. -М.: -1995. № 6. -Стр.92 (Huntington S.F. The future of the democratic process: from expansion to consolidation // ME and MO. -М.: -1995. №. 6. pp. 92)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000